

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЮСУПОВА ДИЛНОЗА БАХТИЯРОВНА**

**ҚАРИЯ ВА КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОЛЛАРДА СУТ БЕЗИ  
САРАТОННИНГ КОМБИНИРЛАШГАН ВА КОМПЛЕКС  
ДАВОСИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупова Дилноза Бахтияровна**

Қария ва кекса ёшдаги беморларда  
сут беzi саратонининг комбинирлашган ва  
комплекс давосига янгича ёндошувни ишлаб чиқиш..... 3

**Юсупова Дилноза Бахтияровна**

Разработка новых подходов в комбинированном  
и комплексном лечении рака молочной железы  
у больных пожилого и старческого возраста..... 23

**Yusupova Dilnoza Bahtiyarovna**

Development of new approaches in  
combined and complex breast cancer  
treatment elderly and senile patients ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЮСУПОВА ДИЛНОЗА БАХТИЯРОВНА**

**ҚАРИЯ ВА КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОЛЛАРДА СУТ БЕЗИ  
САРАТОННИНГ КОМБИНИРЛАШГАН ВА КОМПЛЕКС  
ДАВОСИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib663 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Гафур-Ахунов Мирза-Али Алиёрович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ходжаев Абдувоҳид Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Пулатов Дониер Анварович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот** **Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги**  
**“Н.Н.Блохин номидаги онкология Миллий тиббий тадқиқот маркази” ФДБМ (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@gonc.uz](mailto:info@gonc.uz), республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М. Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

**А.А.Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

**М.Х.Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сут беzi саратони (СБС) аёлларда саратон касалликлари таркибида етакчи ўринни эгаллайди ва кўплаб муаллифларнинг таъкидлашича, «ушбу касаллик билан касалланиш ва ўлим ҳолати ортиб бормоқда. Кўпгина давлатларда аҳолининг умр кўриш давомийлиги узайиши баробарида ёши катта инсонларнинг хавfli ўсмалар билан касалланиш даражаси ҳам ўсмоқда»<sup>1</sup>. Аксарият давлатларда аёлларнинг СБС билан касалланиш даражасининг ошиши маълум бир қонуният билан кечмоқда, яъни ёшнинг ошиб бориши билан СБСнинг учраши ҳам ортиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) таснифига кўра «60–74 ёш–кексалик, 75–89 ёш–қарилик, 90 ва ундан катта ёш–узoқ умр кўрувчилар ёши ҳисобланади»<sup>2</sup>. Муаммонинг долзарблигига қарамай, ҳанузгача кекса ёшдаги беморларни даволашнинг оптимал усуллари ишлаб чиқишга етарли даражада эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу борада ўсма касалликларининг олдини олиш, касалланишни камайтириш, самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда қария ва кекса ёшдаги беморларда сут беzi саратонини комбинирлашган даволашга янгича ёндашувни ишлаб чиқишга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут беzi саратонининг клиник-морфологик шакллари ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва йўлдош касалликларнинг оғирлик даражасини даволаш усулини танлашга таъсирини асослашдан иборат. Сут беzi саратонини даволашга дифференциал ёндошувни ишлаб чиқиш мақсадида иммунгистокимёвий профилнибашоратлаш омилларининг беморлар умумий яшовчанлигига таъсирининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ҳамда даволашнинг узoқ муддатли натижаларини таққослаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ўсма касалликларини ташхислаш ва самарали даволаш, касалликнинг асоратларини камайтириш мақсадида мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакиллантириш, ташхис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ўсма касалликлари асоратларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий

<sup>1</sup>Рожкова Н.И.Рак молочной железы.– Москва, 2018. – 298 с

<sup>2</sup>ЖССТнинг 2017 йилги ҳисоботлари

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали турли даражадаги ўсма касалликлари натижасидаги ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сут беши саратонини даволашда турли хил усуллардан фойдаланилади, бироқ уларнинг натижалари бир-биридан кескин фарқ қилганлиги туфайли мазкур патологияни даволаш кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Сут беши саратонини даволашда жарроҳлик амалиёти ва нур терапиясини ўз ичига олувчи маҳаллий таъсир ҳамда кимётерапия ва гормонал терапиядан иборат тизимли таъсирларни ажратиш мумкин (Карпин А.Д., 2018). Кейинги йилларда кўшимча таъсир усуллари ишлаб чиқилмоқда, иммунотерапия ҳамда адаптогенлар, моноклонал антитаналар, ангиогенез ингибиторларни кўллаш шулар жумласидандир. Ҳанузгача СБСни жарроҳлик усулида даволаш асосийусул ҳисобланади ва у даволаш тадбирлари режасини тузиш учун асос ҳисобланади (В.В. Воротников, 2015). Ўтган ўн йил ичида СБСнинг биологик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, даволашга нур ва кимёгормонал терапиянинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш мазкур ўсманинг нафақат локализацияланган, балки маҳаллий тарқалган шаклларида ҳам аъзосақловчи даволашни амалга ошириш имконини берди. Кекса ёшдаги беморларни даволашда ўсмага қарши дори воситаларининг ҳамроҳ касалликлар туфайли кўп қабул қилинадиган турли препаратлар билан ўзаро таъсирлашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ўрта мураккаб ва ҳали етарли даражада ўрганилмаган муаммо ҳисобланади. Бугунги кунда кимётерапияни ўтказиш вақтида юрак-томирлар, меъда-ичак ва бошқа касалликларни даволаш учун фақатгина зарур дори воситаларини тайинлаш

тавсия этилади. Кекса ёшдаги беморларда даволаш тактикасини танлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Маълумки, лимфоген метастазларнинг мавжудлиги ва жароҳатланган қўлтиқости лимфа тугунлари сони СБСнинг муҳим башорат омиллари бўлиб қолмоқда (В.Ф.Семиглазов,2014). Қўлтиқости лимфа тугунларида метастазлар мавжуд бўлмаган ҳолда ўсма башорати, асосан, бирламчи ўсма ўлчамлари (pT), дифференциалланиш даражаси ва беморнинг ёши билан белгиланади. Кекса ёшдаги беморларни даволаш учун кимётерапиянинг стандарт режими (ушлаб турувчи даво тамойилларини ҳисобга олган ҳолда) ёки дори воситалари миқдорини коррекциялаш билан мослаштирилган режимдан фойдаланилади. Адьювант кимётерапия беморнинг умумий ҳолати ва албатта унинг розилигини олган ҳолда индивидуал тайинланади. Бугунги кунда СБСни жарроҳлик йўли билан даволашда нозик жарроҳлик амалиётларни бажариш тенденцияси кузатилмоқда. Бу кекса беморларда биринчи навбатда тез-тез учрайдиган кўплаб йўлдош касалликлар билан боғлиқ. Бироқ аъзосақловчи операцияларнинг амалга оширилиши адьювант давони қўллашни талаб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сут бези онкологик касалликларининг эпидемиологик, жарроҳлик ва комбинирлашган даволаш усуллари борасида қатор илмий изланишлар амалга оширилган, лимфокинларнинг сут бези саратони ривожланишидаги ўрни асосланган (Л.Т.Алимходжаева, 2008);сут бези саратони тарқалишининг эпидемиологик хусусиятлари таҳлил қилинган (Г.Ф.Мирюсупова, 2018). Бироқ қария ва кекса ёшдаги беморларда сут бези саратонининг комбинирлашган ва комплекс даволашга янгича ёндошув тизими тадъбиқ этилмаган.

Шундай қилиб, адабиётлардан олинган маълумотлар таҳлили сут бези саратони билан оғриган беморларни даволаш натижаларининг сезиларли яхшиланганлигидан далолат берса-да, кекса ва қари ёшдаги беморларда комбинирлашган ҳамда комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №006.01.03002» «Онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» (2014-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кекса ёшдаги ва қари беморларда сут бези саратонини даволаш натижаларини комбинирлашган ҳамда комплекс усулларни яхшилаш орқали такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут бези саратонининг клиник-морфологик шакллари ва кечишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

сут беzi саратонига чалинган кекса ва қари ёшдаги беморларда йўлдош касалликлар оғирлик даражасининг даволаш усулини танлашга таъсирини таҳлил қилиш;

даволашга дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадида СБСга чалинган кекса, қари ва ўрта ёшдаги беморлар ўртасида иммунгистокимёвий профилни қиёсий ўрганиш;

кекса ва қари ёшдаги СБСга чалинган аёлларда башорат омилларининг беморларни умумий яшовчанлигига таъсирининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

олинган маълумотлар асосида кекса ва қари ёшдаги СБС билан оғриган беморларни даволашнинг узок муддатли натижаларини таққослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2010-2018 йиллар давомида сут беzi саратони ташҳиси билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИОваРИАТМ) Тошкент шаҳар филиалига мурожаат қилган 201 нафар кекса ва қари ёшдаги аёллар ҳамда 50 нафар 40 ёшдан катта бемор (назорат гуруҳи)лар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб сут беzi саратони билан оғриган кекса ва қари ёшдаги беморларни комбинирлашган ҳамда комплекс даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш материаллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, биокимёвий, ултратовуш, нур, морфологик, иммуногистокимёвий, статистика каби текширувва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кекса ва қария ёшдаги беморларда сут беzi саратонини даволашда йўлдош касалликлар оғирлик даражасини инобатга олиб кимёвий дори воситалари ва нур терапияси миқдорлари редукциясининг аҳамияти асосланган;

иммуногистокимёвий текшириш материаллари натижасида кекса ва қари ёшдаги сут беzi саратонига чалинган беморларда даволашга дифференциал ёндашув аҳамияти асосланган;

сут беzi саратони билан хасталанган кекса ва қари ёшдаги беморларни даволашда ўсманинг биологик турининг аҳамияти ўрта ёшдаги беморлар билан қиёсий таҳлили натижасида исботланган;

сут беzi саратони билан хасталанган беморлар хаётини башоратлашда анамнезнинг давомийлиги, ўсманинг гистологик ва биологик тури, регионар лимфатугунларни жароҳатланиши,ўтказилган неоадьювант кимётерапиянинг самарадорлиги, ўсманинг узок метастазлари мавжудлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кекса ва қари ёшдаги сут беzi саратони билан оғриган беморларни даволаш усулини танлашда патологик жараённинг тарқалганлик даражаси баҳоланган;

беморларнинг ИГК профилига боғлиқ ҳолда мазкур тоифадаги беморларни даволашни режалаштириш ва оптимал даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;



кекса ва қари ёшдаги сут бези саратони билан оғриган беморларни даволашда йўлдош касалликларнинг оғирлик даражаси, беморнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда кимёпрепаратлар ва нур терапия миқдорини редукциялаш билан амалга оширилиши ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумий клиник, биокимёвий, ултратовуш, нур, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳолатлар, хулосалар, таклифлар кекса ва қари ёшдаги сут бези саратонига чалинган беморларни тўғри режалаштириш ҳамда оптимал даволаш тактикасини танлашни таъминлаб, онкологик касалликларни даволаш сифатини юқори даражага кўтариш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сут бези саратонига чалинган кекса ва қари ёшдаги беморларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар, курсантларни ўқитиш дастури мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш билан изоҳланади..

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қария ва кекса ёшдаги беморларда сут бези саратонининг комбинирлашган ва комплекс давосига янгича ёндошувни ишлаб чиқиш асосида:

«Кекса ва қари ёшдаги беморларда сут бези саратонини даволашнинг ўзига хос хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги 8н-р/32-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сут бези саратони билан оғриган кекса ва қари беморларни даволаш тактикасини оптималлаштириш, кимётерапиядан кейинги асоратлар ва касаллик рецидивлари сонини камайтириш, шунингдек умр кўриш давомийлигини узайтириш имконини берган.

Қария ва кекса ёшдаги беморларда сут бези саратонининг комбинирлашган ва комплекс давосига янгича ёндошувни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларининг маммология бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 майдаги 8н-з/89-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сут бези саратонига чалинган кекса ва қари беморлар узоқ умр кўриш давомийлигини узайтириш, махсус даволаш тизимини

ташқиллаштирилгандан кейин ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут бези саратонини даволашнинг замонавий аспекти**», деб номланган биринчи бобида сут бези саратони муаммосининг ҳозирги ҳолати, кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут бези саратони эпидемиологияси, мазкур беморларнинг иммунгистокимёвий профили, ташхисот ва даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда сут бези саратонига чалинган кекса ва қари ёшдаги беморлар организмнинг ўзига хослиги, касалликнинг кечиши ҳамда даволашнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут бези саратонини даволашнинг материал ва усуллари**», деб номланган иккинчи бобида 2010–2018 йиллар давомида сут бези саратони ташхиси билан РИО ва РИАТМнинг Тошкент шаҳар филиали базасида даволанган 251 нафар бемор тўғрисидаги маълумотлари келтирилган. Асосий гуруҳни 60 ёшдан катта (201 нафар) бемор ташкил этди, 40 ёшдан 59 ёшгача бўлган (50 нафар) беморлар назорат гуруҳига киритилди. Ёшга кўра беморлар қуйидагича тақсимланди: 60 дан 74 ёшгача ва ундан катта – 201 нафар, 40 дан 60 ёшгача – 50 нафар бемор; асосий гуруҳнинг ўртача ёши  $67,35 \pm 0,29$  ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 50 ёшга тенг бўлди. Асосий гуруҳ беморлари 60–74 ёш – кекса (188–93,5%) ва 74 ёшдан катта – қари (13–6,5%) ёшдагиларга бўлинди.

## Беморларни касаллик босқичлари бўйича тақсимооти

Жараён босқичи	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
I босқич	17	8,46	10	20	17,30	<0,001
II босқич	99	49,2	30	60	2,03	>0,05
III босқич	54	26,8	8	16	2,54	>0,05
IV босқич	31	15,4	2	4	4,86	<0,05
Жами	201	100	50	100		

Асосий гуруҳда аниқлангансут беи саратониаксарият беморларидажараённинг II босқичи қайд этилиб (49,2%), жараённинг I босқичида бўлган беморлар 8,4%ни ташкил этди, касалликнинг ўтказиб юборилган IV босқичида 15,4% бемор муружаат қилди. Назорат гуруҳи беморлари кўпинча жараённинг II босқичида муружаат қилдилар (60%), I босқичда аниқланган беморлар 20%ни ташкил этди ва IV босқичда 4% беморлар муружаат қилган.

Беморлар комплекс текширувдан ўтказилди, уларнинг барчасида маммография, УТТ, цитологик ва гистологик текширувлар амалга оширилди. Барча беморларда ташхис гистологик тасдиқланди. Цитологик текширувларда барча беморларда атипик ҳужайралар аниқланди.

Йўлдош патологияга мос равишда кардиолог, пульмонолог, фтизиатр, эндокринолог, невропатолог, гастроэнтеролог ва бошқа мутахассислар маслаҳати олинди.

Аксарият холларда ҳар иккала гуруҳда гистологик сут безининг инфилтратив най саратони қайд этилди: асосий гуруҳда – 141 нафар (70,1%) ва назорат гуруҳида – 29 нафар беморда (58%). Асосий гуруҳда бошқа ўсма турларианиқланди: 12 нафар (6%) беморда – инфилтратив бўлакча саратони, 15 нафарида (7,5%) – шиллик саратон, 17 нафарида (8,5%)– носпецифик саратон, 6 нафарида (3%)–папилляр саратон ва 2 нафарида (1%) – медулляр саратон.

Назорат гуруҳида ўсманинг куйидаги шакллари учради: 29 нафар (58%) беморда – инфилтратив най саратони, 16 нафарда (32%) – носпецифик саратон, 4 нафарда (8%) – инфилтратив бўлакча саратони, 1 нафарда (2%) – cancer in situ.

Даволаш усулларига мос равишда асосий гуруҳ беморлари 3 гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳни комплекс даволанган 111 нафар бемор; 2-гуруҳни комбинирлашган даво олган 61 нафар бемор; 3-гуруҳни кимёгормонал даволанган 29 нафар бемор ташкил этди;назорат гуруҳидаги 50 нафар беморда комплекс ва комбинирлашган даво қўлланилди.

Диссертациянинг «Кекса ва қари ёшдаги аёлларда сут бези саратонининг клиник-морфологик шакллари ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари», деб номланган учинчи бобида касаллик анамнези ва кечуви ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра кекса ёшдаги беморларда касаллик давомийлиги ўртача  $13,37 \pm 1,56$  ойни ташкил этди, назорат гуруҳида касаллик давомийлиги ўртача  $10,22 \pm 0,87$  ойга тенг бўлди. Ташхис қўйишдан даволашгача бўлган вақт (кунлар) асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда  $31,83 \pm 3,97$  ва  $20,54 \pm 0,55$  кунларни ташкил этди, яъни мазкур кўрсаткичлар ўртасида катта фарқ ( $p < 0,01$ ) аниқланди, бу беморни текшириш ва даволашга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлиб, йўлдош патологиянинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. Ҳар иккала гуруҳда ҳам касаллик кўпинча беморлар томонидан ўсманинг аниқланиши (асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда 91% ва 90%) билан бошланган. Оғриқ синдроми асосий гуруҳда 4 нафар беморда (2%) ва назорат гуруҳида 8 та (4%) ҳолатда қайд этилди ( $p < 0,001$ ). Оғриқ ва ўсмаасосий гуруҳдаги 6,5% ва назорат гуруҳидаги 6% беморда кузатилди ( $p > 0,05$ ). Ўсма жараёнининг сут безидаги жойлашиши таҳлил қилинганда, ўсма асосий гуруҳга қарашли 131 нафар (65,2%) беморда безнинг юқори ташқи квадрантида жойлашганлиги аниқланди, назорат гуруҳида эса ўсманинг бундай жойлашуви 26 нафар (52%) беморда қайд этилди, яъни кўрсаткичлар сезиларли фарқланмади ( $p > 0,05$ ). Қарама-қарши маълумотлар ўсманинг сут бези юқори-ички квадрантида жойлашувида кузатилди, асосий гуруҳда бу кўрсаткич 22 та (10,9%) ҳолатда, назорат гуруҳида эса 13 та (26%) ҳолатда учради. Ўсманинг пастки-ташқи квадрантда жойлашиши асосий гуруҳдаги 54 нафар (26,9%) ва назорат гуруҳидаги 8 нафар (16,09%) беморда аниқланди. Таъкидлаш лозимки, асосий гуруҳданазорат гуруҳига нисбатан ўсманинг кўпинча юқори-ташқи ва пастки-ташқи квадрантда жойлишиши аниқланди ( $p < 0,05$ ). Ўсманинг юқори-ички (13нафар, 26,%) ва пастки-ички (10 нафар, 20%) квадрантда жойлашиши назорат гуруҳида асосий гуруҳ беморларига нисбатан анча юқори бўлди ва мос равишда 22 нафар (10,9%) ва 9 нафар (4,5%)ни ташкил этди. Тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатдики, ҳатто ўсманинг квадрантлар бўйича жойлашиши ҳам кекса ва қари ёшдаги беморларда ёш беморларга нисбатан ишончли фарқ қилади.

Ўрганилган гуруҳларда асосий гуруҳдаги барча беморларда йўлдош патология аниқланди.

Бунда асосий гуруҳга қарашли 80% беморларда—гипертония, 66,6% беморларда – ёғли гепатоз, 64,6% беморда – юракнинг ишемик касаллиги, 52,7% беморда – сурункали холецистит, 49,2% беморда – ўт-тош касаллиги, 46,2% беморда – сурункали бронхит, 27,3% беморда – оёқ веналарининг варикоз кенгайиши, 9,4% беморда – сурункали пиелонефрит, 8,4% беморда – сурункали гепатит, 6,4% беморда – семизлик, 4,7% беморда – қандли диабет ҳамроҳлик қилди. Жами 42та йўлдош патология аниқланди. Йўлдош патологияни даволаш тегишли мутахассисларнинг маслаҳатидан сўнг амалга оширилди.

Йўлдош касалликларни инобатга олган ҳолда кимёпрепаратлар дозаси редукцияси, асосан, 60 ёшдан катта бўлган комплекс даво олган беморлар гуруҳида ўтказилди ва бу кўрсаткич 76%ни ташкил этди, назорат гуруҳида дозалар редукцияси амалга оширилмади. Кимёпрепаратлар дозасининг 20% редукцияси назорат гуруҳида ўтказилмади, асосий гуруҳда эса мазкур кўрсаткич ўртача 11%га тенг бўлди.

Асосий гуруҳдаги 66 нафар бемордан 23 нафарида (34,8%) ўсманинг люминал А тури, 7 нафарида (10,6%) HER позитив люминал В тури, 22 та (33,3%) ҳолатда HER негатив люминал В тури, 12 нафар (18,2%) беморда уч марта негатив саратон ва 2 нафар (3%) беморда – нолюминал HER позитив тури аниқланди. Назорат гуруҳи беморларида мазкур кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланди: 15 нафарида (30%) – люминал А тур, 4 нафарида (8%) – HER позитив люминал В тур, 17 нафарида (34%) – HER негатив люминал В тур, 7 нафарида (14%) – уч марта негатив, 7 нафарида (14%) – нолюминал HER позитив саратон. Даволаш тактикаси белгиланганда мазкур кўрсаткичлар ҳисобга олинди.

2-жадвал

Ўсманинг биологик турига мос равишда беморлар тақсимоти

Ўсманинг биологик тури	Беморлар сони (n=66)		Назорат гуруҳи (n= 50)		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Люминал А-тур	23	34,8	15	30	16,01	<0,001
Люминал В-тур HER позитив	7	10,6	4	8	0,23	>0,05
Люминал В-тур HER негатив	22	33,3	17	34	2,53	>0,05
Уч мартаба негатив	12	18,2	7	14	16,35	<0,05
Нолюминал HER позитив	2	3	7	14	4,78	<0,05

Диссертациянинг «Кекса ва қари ёшдаги беморларда сут бези саратонини даволаш усуллари», деб номланган тўртинчи бобида кекса ва қари ёшдаги беморларда сут бези саратонини даволаш усуллари таҳлили ёритилган.

Беморларнинг ёши, ўсманинг тарқалиш даражаси, касаллик босқичи, йўлдош патология ва уларнинг оғирлик даражаси уларни гуруҳларга ажратишнинг асосий мезони бўлди. Юқорида қайд этилган мезонларни ҳисобга олган ҳолда асосий гуруҳдаги 201 нафар бемор 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – комплекс даволанган 111 нафар бемор, 2-гуруҳ – комбинирлашган даво олган 61 нафар бемор, 3-гуруҳ – кимёгормонтерапия олган 29 нафар бемор.

Комплекс даволаш неоадьювант кимётерапия, жарроҳлик амалиёти, нур терапияси, адьювант кимётерапия ва гормонтерапия (иммунгистокимёвий текширув маълумотларини ҳисобга олган ҳолда)ни ўз ичига олди.

111 нафар бемордан 65 нафари (58,6%)да неоадьювант кимётерапия, 46 нафар (41,4%) беморда операциядан кейинги материални гистологик текширувидан сўнг адьювант кимётерапия ўтказилди.

Операция олди даврида 1 нафар (0,9%) ва операциядан кейинги даврда 110 нафар (99,1%) бемор нур терапиясини олди. Нур терапияси дозалари стандарт тайинланди, бироқ беморнинг ёши ва йўлдош патологияни ҳисобга олган ҳолда у 10 Грейгача камайтирилди. 10 нафар беморда нур терапияси дозаси 40 Гр, 36 нафар (32,4%) беморда – 45 Гр, 64 нафар (57,7%) беморда – 50 Гр ва 1 нафар беморда СОД 60 Грейни ташкил этди. Нурланиш операциядан кейинги чандиқ ва регионар метастаз соҳаларига берилди.

Неоадьювант тартибли кимётерапия 65 нафар беморда касалликнинг оғирлик даражаси ва йўлдош патологияни ҳисобга олган ҳолда CMF, CAF, FAC, DA, CAP, PA схемаси бўйича ўтказилди. Бунда кимёпрепаратлар дозасининг 10%ли редукцияси – 85 нафар беморда, 20%ли редукцияси – 9 нафар беморда амалга оширилди. Қандли диабет, артериал гипертония, сурункали юрак етишмовчилиги, жигар ва буйрак патологиялари ҳамроҳлик қилувчи беморлар учун дозалар редукцияси катта аҳамиятга эга бўлди.

Дозалар редукцияси, асосан, антрациклин ва таксанлар тутувчи схемаларда ўтказилди. Шунинг учун кимётерапия схемасини аниқлашда мазкур жиҳат эътиборга олинди. Адьювант кимётерапия олган беморларга ҳам худди шундай ёндошилди.

Неоадьювант кимётерапия ва нур терапияси самарадорлигини баҳолаш Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти таснифи (1986) бўйича, кимётерапия курслари эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган онкологик касалликларни ташхислаш ва даволаш стандарти бўйича 4–6 курсгача амалга оширилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 29 июлдаги 351-сон буйруғи).

66 нафар беморда ўсманинг биологик тури аниқлангандан сўнг иммунгистокимёвий текширув маълумотларини ҳисобга олган ҳолда гормонтерапия ўтказилди. Шулардан 32 нафар беморнинг комплекс даволаш таркибига гормонтерапия киритилди. Кекса ва қари ёшдаги сут беzi саратонига чалинган 11 нафар (9,9%) беморда, асосан, гормонал дори воситалари, ароматаза ингибиторлари (Анастрозол, Летрозол, Фемара), 21 нафар(18,9%) беморда – эстрогенга қарши дори воситаси (Тамоксифен) қўлланилди.

61 нафар кекса ва қари ёшдаги беморларда сут беzi саратони комбинирлашган усулда даволанди. Комбинирлашган даво таркиби неоадьювант кимётерапия ва оператив даво, шунингдек, нур терапияси ва операциядан иборат бўлди. 61 нафар бемордан 4 нафари (6,6%)да – неоадьювант кимётерапия, 16 нафари (26,2%)да – неоадьювант+адьювант кимётерапия, 25 нафари (41%)да – адьювант кимётерапия ўтказилди.

16 нафар беморда операциядан кейинги даврда нур терапияси ўтказилди.

9 нафар беморда (14,8%) гормонотерапия комбинирлашган даво таркибида ўтказилди.

Кекса ва қари ёшдаги сут беги саратонига чалинган 172 нафар беморда кимётерапия ва нур терапияси билан биргаликда, жумладан, 111 нафар беморда – комплекс даво таркибида, 61 нафар беморда – комбинирлашган даво таркибида оператив амалиёт бажарилди.

Комплекс терапия қуйидагиларни ўз ичига олди: асосан, 4 курсдан иборат неадьювант кимётерапия, Мадден бўйича радикал мастэктомиядан иборат оператив амалиёт, адьювант кимётерапия (ўртача 4 курс) ва радикал дастур бўйича нур терапияси. Нур терапияси дистанцион гамма қурилмаларда радикал дастур бўйича АГАТ–Р, Терабальт 400 ускуналарида ўтказилди. Сут беги ва регионар соҳалар нурлантирилди. Нурланиш бир марталик 2 Гр дозада ҳафтада 5 марта ўтказилди. Сут беги ва қўлтиқ ости соҳаси, ўмров усти ва ўмровости соҳаси 2 майдонда нурлантирилди. Умумий доза сут беги учун–40–50 Гр, регионар лимфотугунлар соҳалар учун эса – 40-45 Грейни ташкил қилди.

Жарроҳлик амалиёти ҳажми 60 ёшдан катта беморларда Мадден бўйича радикал мастэктомия 116 нафар (57,7%) беморда, 12 нафар (5,9%) беморда – секторал резекция, 31 нафари (15,42%)да– радикал резекция, 8 нафари (3,9%)да– Пейти бўйича радикал мастэктомия (РМЭ), 4 нафари (1,9%)да– паллиатив мастэктомия, 1 нафар (0,5%) беморда – Блохин бўйича радикал резекцияни ўз ичига олди. Касаллик даври, ўсманинг тарқалганлик даражаси ва йўлдош касалликларни ҳисобга олган ҳолда кекса ва қари ёшдаги 44 нафар (21,9%) беморда аъзосақловчи операциялар амалга оширилди. Шу билан бирга назорат гуруҳининг 38 нафар (76%) беморида – Мадден бўйича радикал мастэктомия, 6 нафари (12%)да – радикал резекция, 4 нафар (8%) беморда – секторал резекция, 1 нафар (2%) беморда – Пейти бўйича РМЭ, 1 нафар беморда (2%) – Блохин бўйича радикал резекция амалиётлари бажарилди.

Комбинирланган даво олган беморлар гуруҳида кўпинча Мадден бўйичарадикал мастэктомия – 33 нафар (54,1%), камдан-кам ҳолларда Пейти бўйича РМЭ – 1 нафар (2,2%), паллиатив мастэктомия – 2 нафар (4,3%), радикал резекция – 19 нафар (41,3%)ва секторал резекция – 6 нафар (13%) беморда бажарилди.

Даволаш самарадорлиги неoadьювант кимётерапия олган комбинирлашган ва комплекс даволанган беморлар гуруҳида таҳлил қилинди.

Комплекс даволанган беморлар гуруҳида неoadьювант терапия таҳлил қилинганда, кимётерепиядан сўнг тўлиқ самара – 6 нафар (5,4%), қисман самара – 54 нафар (48,6%), касалликнинг турғунлашуви – 40 нафар (36%) ва ривожланиши –1 нафар (0,9%) беморда қайд этилди.

Комбинирлашган даво олган беморлар гуруҳида ўтказилган кимётерепиянинг тўлиқ самараси 3 та (4,9%) ҳолатда, қисман самара – 34

нафар (55,7%), касалликнинг турғунлашуви – 24 нафар (39,3%) беморда кузатилди, касалликнинг ривожланиши эса қайд этилмади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шундай хулосага келишимиз мумкин: турли даволаш гуруҳларида неоадьювант кимётерапиянинг тўлиқ самараси 3,5%дан 5,4%гача кузатилди. Қолган ҳолатларда, яъни 84% дан 95% гача ҳолатда қисман самара ёки ўсма жараёнининг турғунлашуви қайд этилди.

Шу билан бирга ўрта ёшдаги сут беши саратонига чалинган беморлар (назорат гуруҳи)да неоадьювант кимётерапиянинг самарадорлиги таҳлили тўлиқ самара – 2 нафар (4%), қисман самара – 26 нафар (52%), турғунлик ҳолати – 16 нафар (32%), патологик жараённинг зўрайиши – 1 нафар (2%) беморда қайд этилганлигини кўрсатди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра неоадьювант кимётерапияли даволаш самараси сут беши саратонига чалинган кекса ва қари ёшдаги беморлар (комплекс ва комбинирлашган даво олган гуруҳ) ва ўрта ёшдаги беморлар гуруҳларида бир-биридан деярли фарқланмади ва олинган натижалар статистик ишончли бўлди ( $p > 0,05$ ).

Ҳар иккала беморлар гуруҳида энг кўп қуйидаги асоратлар учради: гастроинтестинал (90% асосий гуруҳда ва 88% назорат гуруҳида) ва гематологик асоратлар (мос равишда 56,2% ва 10%), шунингдек, асосий гуруҳдаги аксарият беморларда йўлдош касалликлар юрак-томирлар тизими патологияси билан боғлиқ кардиотоксик асоратлар учради, назорат гуруҳида бу HER 2 нег мусбат ҳолат (27% ва 46%)ни ҳисобга олган ҳолда кўпинча герцептин тайинланиши билан боғлиқ.

Кимётерапиянинг заҳарли таъсири ҳақида фикр юритилгандан шуни айтиш жоизки, текширувларда, асосан, 1-даражали (17% асосий гуруҳда ва 2% назорат гуруҳи) ва 2-даражали (90% асосий гуруҳда ва 88% назорат гуруҳида) токсиклик қайд этилди. Асосий гуруҳда 3-даражали заҳарлилик ҳам кузатилди ва у 11,4% ни ташкил этди.

Комбинирлашган даво олган гуруҳда ўсма рецидиви частотасининг таҳлиliga кўра 61 нафар бемордан 3 нафари (4,9%)да ўсма рецидиви аниқланди: касалликнинг T<sub>2</sub>N<sub>0</sub>M<sub>0</sub> босқичи билан 2 нафар беморда секторал ўсма резекциясидан сўнгва 1 нафар беморда жараённинг T<sub>4</sub>N<sub>2</sub>M<sub>0</sub> (махаллий тарқалган жараён) босқичида. Бунда 3 нафар бемордан 2 нафарида ўсма рецидиви операциядан (жарроҳлик йўли) кейинги даврда ўмров ости соҳасида метастазлар билан ўзаро биргаликда кузатилди.

Рецидивларнинг юзага келиш муддатлари 12 ойдан 36 ойгача бўлди ва ўртача 20 ойни ташкил этди.

3 нафар бемордан бирида ўсма рецидиви люминал В типли ўсмада аниқланди ва K<sub>i</sub> 67 ўсманинг пролифератив фаоллиги 37% ни ташкил этди.

Кекса ва қари ёшдаги шахсларда сут беши саратонининг рецидиви кўпинча секторал резекция кўринишидаги норадикал жарроҳлик амалиёти ва T<sub>4</sub>N<sub>2</sub>M<sub>0</sub> тарқалган ўсма жараёнида юзага келди. Шуни қайд этиш керакки, секторал резекция кўринишидаги абзонисакловчи жарроҳлик



амалиёти бажарилган беморларда қандли диабет ва ЮИК кўринишидаги йўлдош патология мавжуд бўлганлиги сабабли аъзони сақловчи операция йўлдош патологиянинг оғирлик даражаси ва бемор ёшини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Кекса ва қари ёшдаги сут беzi саратонига чалинган ва комбинирлашган даво ўтказилган беморлар гуруҳида даволашдан кейинги узок метастазлар частотасини ўрганиш натижасида 61 нафар бемордан 32 нафари (52,5%)да узок метастазлар аниқланди. Бунда 13 нафар беморда узок метастазлар скелет суякларида, 2 нафар беморда жигарда, 2 нафар беморда эса ўпкада жойлашганлиги қайд этилди. Бошқа ҳолатларда эса бир неча аъзолар, хусусан, 4 нафар беморда – ўпка ва скелет суяклари, 1 нафар беморда – ўпка ва жигар, 3 нафар беморда – ўпка ва ўмров устилимфа тугунлари, 2 нафар беморда – скелет суяклари ва ўмров усти лимфа тугунларида кузатилди. 2 нафар беморда – ўпка, скелет суяклари ва ўмров усти лимфа тугунлари, 2 нафар беморда – ўпка, жигар ва скелет суякларининг биргаликда жароҳатланиши аниқланди. Узок метастазларнинг юзага келиш муддатлари 12 дан 60 ойгача бўлди ва ўртача 36 ойни ташкил этди.

ИГХ текширувлар (9 нафар беморда) таҳлили энгкўп узок метастазлар люминал А типли 4 нафар, люминал В Her 2 neu манфий типли 3 нафар, люминал В Her 2 neu позитив типли 1 нафар ва ўсманинг нолюминал типи билан бўлган 1 нафар беморда қайд этилганлигини кўрсатди.

TNM тизими бўйича ўсманинг тарқалиш даражаси комбинирлашган даводан сўнг узок метастазларнинг юзага келиш частотасига сезиларли таъсир кўрсатди. Олиб борилган кузатишларда комбинирлашган даводан сўнг узок метастазлар 32 нафар беморда юзага келди. Тақдим этилган маълумотлардан кўриш мумкинки, аксарият ҳолларда сут беzi саратонининг узок метастазлари ўсманинг маҳаллий тарқалиш жараёнида, яъни 32 нафар бемордан 20 нафари (62,5%)да юзага келди.

Сут беzi саратони билан оғриган 111 нафар кекса ва қари ёшдаги беморлар комплекс даволанди. Бунда неоадьювант кимётерапия билан биргаликда жарроҳлик даволаш усуллари, нур терапияси, гормонлар билан даволаш ва адьювант кимётерапия усуллари қўлланилди. Комплекс даводан сўнг кузатув даврининг 12-ойидан 24-ойигача бўлган вақтда, ўртача 21,3 ойда 111 нафар бемордан 6 нафари (5,4%)да ўсма рецидив, асосан, жарроҳликдан кейинги жароҳатлар соҳасида пайдо бўлди.

Комплекс даво олган гуруҳдаги сут беzi саратони билан оғриган кекса ва қари беморлардаги узок метастазларни ўрганиш 111 нафар бемордан 39 нафари (35,1%)да узок метастазлар пайдо бўлганини кўрсатди. Узок метастазларнинг пайдо бўлиш даври 8 ойдан 108 ойгача бўлиб, ўртача 45,8 ойни ташкил қилди.

Узок метастазлар кузатилган 39 нафар беморнинг 13 нафарида скелет суягининг зарарланиши, 8 нафарида – ўпка, 1 нафарида – юмшоқ тўқима, 1 нафарида – ўпка ва жигар, 10 нафарида – ўпка ва скелет суяги, 2 нафарида – ўпка, жигар ва ўмров усти лимфа тугунлари, 1 нафарида – ўпка, бош мия ва

ўмров усти лимфа тугунлари, 1 нафариди эса тери саттелитлари ва ўпканинг зарарланиши каби кўшма патологиялар қайд этилди.

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, узоқ метастазлар, асосан, дастлабки маҳаллий тарқалган жараёнли ёки лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши мавжуд (39 нафардан 38 нафариди) шахсларда ривожланди.

Комплекс даволанган гуруҳда узоқ метастазли 111 нафар бемордан 7 нафариди иммуногистокимёвий текширишлари ўтказилди. Бунда 7 нафар узоқ метастазлар мавжуд беморлардан 3 нафариди люминал А, 2 нафариди уч мартали неготив, 2 нафариди люминал В тип Her 2 неготив ўсма турлари аниқланди.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 7 нафар бемордан 4 нафари (57,1%) да илгаридан ўсманинг биологик тури (уч маротабали неготив, люминал В тип Her 2 неготив) нохуш башоратга эга бўлди. Бу касалликни даволаш усулини танлашда башоратлашда эътиборга олиниши лозим.

